

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан "Ёш оилалар ва қизлар" вилоят форуми ташкил этилди. Дафъатан, ташриф қўғозидаги давлатимиз раҳбарининг "Қиз бола – бўлғуси оила бекаси, келажагимиз эгасидир", деган эътирофига қўзингиз тушиши билан тадбирнинг мазмун-моҳиятини англайсиз.

ОИЛА БЕКАЛАРИ — КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

Яна, замонавий миллий руҳдаги либосларда меҳмонларни кутиб олаётган ўзбекона ҳаё, ибод, гурур, ифтихор балқиб турган қувноқ чехралар, ёниқ нигоҳлардан кўнгиллар яйрайди, дил қувнайди. Улар вилоятимизнинг турли ҳудудларидан, узоқ-яқин қишлоқларидан энг ёрқин туйғуларни, орзу-умидларни, эзгу тилакларини изҳор этиш учун юракларига Ватан, эл-юрт муҳаббатини жойлаб келган хур қизлар, сулув келинчалар, навузвон оналардир.

Дарҳақиқат, анжуман Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида олиб борилаётган чора-тадбирлар қаторида ўзига хос жиҳатлари билан вилоятимиз ёшларига, ёш оилаларга, уюшмаган хотин-қизларга алоҳида кўтаринкилик бағишланди. Унда "Қим нимага қадир?" йўналишида турли касб-хунар вакиллари учун маҳорат дарслари, "Мен ҳам етакчи бўламан" мавзусида жамият ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган ижтимоий-сиёсий фаол аёллар билан суҳбат, "Таълим ва фан" соҳасида олима қизларнинг илмий фаолияти бўйича тақдиротлари,

Давоми 3-бетда. ➡

**Тошкент вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ**
**Халқ депутатлари Тошкент вилояти
Кенгашининг навбатдаги
XXIV сессиясини чақириш тўғрисида**
"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ
ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXIV сессияси 2017 йил 21 август кунли соат 16.00 да чақирилсин.

Вилоят ҳокими Ш. БАБАЕВ
2017 йил 14 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 50000 сўм бўлган пул белгиларини муомалага чиқариш тўғрисида

2017 йилнинг 22 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 50000 сўм бўлган банкнот кўринишидаги янги пул белгиларини муомалага чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 50000 сўм бўлган пул белгилари 144 x 78 мм. ўлчамдаги ҳимояланган қроғозда тайёрланган.

Банкнотнинг ўнг тарафидида кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби ва "50000" рақами кўринишида **сув белгиси** мавжуд.

Оқ рангли сатҳнинг чап тарафидан қроғоз қатламида **"Дарча" ва "3Д" эффектлик юзага чиқиб, ичкарига ботувчи эни 4 мм. бўлган ҳимоя ипи** ўтказилган.

Банкнот олд томонининг марказида Мустақиллик майдонидаги "Эзгулик" аркаси тепасидаги парвозга шайланган лайлақлар тасвирланган.

Чап юқори қисмида "O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" ёзуви мавжуд. Ушбу матн "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI" сўз бирикмаси **такрорланувчи микромати** чизик билан ажратилган.

Микромати чизик остида "O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKASI HUNDUDDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISHI SHART" матни акс этган.

Матн остида тўқ яшил рангдаги Ўзбе-

кистон Республикаси Герби тасвирланган.

Банкнот чап тарафининг пастки қисмида 50000 рақами ва "ELLIK MING SO'M" ёзуви мавжуд бўлиб, банкнотнинг қиймати билдиради.

Юқоридаги барча тасвирлар ва ёзувлар **бўртиб туради, ушлаб қўрилганда сезилади.**

Марказда Ўзбекистон Республикасининг ҳошияланган харитаси жойлашган бўлиб, унинг фони "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI" сўз бирикмаси **такрорланувчи микромати** кўринишида ишланган.

Чап тараф пастки қисмидаги ва оқ рангли сатҳда жойлашган "50000" рақамлари тепасида етти та рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси жойлашган.

Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмидаги **маҳсул белги** арка тасвири кўринишида бўлиб, ёруғликка қаратилганда арканинг ранги банкнот орқа томонидаги рангли фон билан тўлдирилади.

Арканинг остида банкнот, чиқарилган йил "2017" кўрсатилган.

Оқ рангли сатҳнинг пастки қисмида **кўриш бурчагига қараб рангини бронза рангидан яшил рангга ўзгартирувчи ва ушлаб қўрилганда билинадиган** бўртиб туровчи "50000" рақами мавжуд.

Банкнотнинг орқа томони чап қис-

мидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари кўринади. Оқ рангдаги сатҳнинг юқори қисмида арка тасвири мавжуд бўлиб, ёруғликка қўрилганда банкнот олд қисмидаги тасвир билан бир-бирини тўлдиради.

Банкнотнинг марказида "ANJUMANLAR SAROYI" меъморий киноси тасвирланган. Тасвирнинг юқори чап бурчагидида бир-бирини кесиб ўтувчи "50000" ва "SO'M" ёзувлари мавжуд бўлиб, уларнинг тепасида банкнотнинг қиймати сўз билан "ELLIK MING" кўрсатилган.

Шунингдек, банкнот қиймати "50000" кўринишида юқори ўнг ва пастки чап бурчақларда акс эттирилган.

Остки фон нафис чизиклар қўлланилган ҳолда ишланган миллий нақшдор безаклар ва бўртиб тургандек таассурот уйғотувчи банкнот қиймати кўринишидаги рақамли тасвирлардан иборат.

Пастки қисмида "O'ZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHTIRISH QONUNIGA MUVOFIQ TA'QIB QILINADI" матни жойлашган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 50000 сўм бўлган пул белгилари, айти пайта муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча ҳужалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чековларсиз қабул қилиниши шарт.

Олмалиқ:

«ҚУЛФУ ДИЛИ» ОЧИЛГАН ЗАМИН



воҳаси аҳлига янги ҳаёт, шуқуҳ, орзу қилиш имкониятини берди.

Тилимизда "қад", деган сўз бор. Ўйлаб кўрилса, меҳрдан, меҳнатдан, эътибор-у ғам-хўрликдан тобора қад ростлаётган миллий ғуруримиз, дунёқарашимиз, истиқболимиз мана шу нурафшон кунларда, кўз ўнгимизда қадриятга айланиб бораёпти. Бугун воҳада тамал тоши қўйилган лойиҳа-

лар, баралла айтиш мумкин, эртанги кунимизнинг ўлмас қадриятлари бўлиб, халқимиз қалбидан жой олади – бу улғувор лойиҳалар ҳаёти-мизнинг мазмунига, муҳим бир бўлагига айланади...

Бу кунлар кечагимас...

Олмалиқда аҳоли ва меҳнат жамоалари, шаҳарнинг фахри, ғурури

сининг турмуш шароити, касбу кори ҳақида огоҳлантираётгандек, "Шошма, эй йўловчи, ишчилар ҳузурига боришга тайёрмисан, дўстим", дейётгандек бўларди...

Шаҳар ҳокимлигида-миз. Ҳокимнинг қурилиш, коммунал соҳа, саноат масалалари бўйича ўринбосари Орифжон Ортиқов бизни хушҳол кутиб олади.

Давоми 2-бетда. ➡

Жаҳолатга қарши – маърифат

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрамига тайёргарлик ишларида муҳим дастуриламал бўлмоқда.



ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Вилоят ва Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими, туман маданият бошқармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тумандаги 29-умумтаълим мактабидида "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" ҳамда "Жаҳолатга қарши – маърифат" шиори остида маънавий-маърифий тарғибот тадбири ўтказилди.

– Мустақиллик – биз учун улуг неъмат, – дейди Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими мутахассиси Нилуфар

Хусанбоева. – Ёшу қарида шу юрт келажагига дахлдорлик туйғуси ва масъулият ҳиссини кўриб, қувонасан киши.

Тадбирда шоира Малика Салимова, хонанда ва бас-такор, "Шуҳрат" медали соҳиби Абзал Хусанов, "Шош наволари" ансамбли хонандаси Фахриддин Турсунзода, уюшмаган ёшлар, маҳалла маслаҳатчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди. Кечада Ватанини мадҳ қилувчи куй-қушиқлар янгради.

Феруза Тўраева,
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган сурат.

Август – ҳосил тақдирини
ҳал қилувчи ой

ҒЎЗАНИ «СИЗ»ЛАЙДИГАН ПАЛЛА



Пахтакорлар учун ҳал қилувчи палла – август ойида ғўза гуллари қўсақларга айланади, қўсақлар йириклашиб, тўлишади, лўппи-лўппи бўлиб очилади. Албатта, ҳосилга ҳосил қўшилидиган бу даврда ҳар бир дақиқадан самарали фойдаланиш, экин парваришига эътиборни янада кучайтириш зарур.

Бунга яхши ангадиган вилоятимиз миришкорлари ғўзани сугориш, култи-ваҳия қилиш, ҳосилни зараркунанда ҳашарот ва касалликлардан асрашга қаратилган ишларни изчил давом эттирмоқдалар.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасидан маълум қилишларича, айни кунларда ғўза қатор ораларида ишлов бериш ишлари қизғин кечмоқда. Бу жараёнда мавжуд култиваторлар кучидан унумли фойдаланилаётир. Пахта майдонларини бегона ўтлардан тозалаш қатъий режа асосида ташкил қилинган.

– "Асад – экинингни яса", деган нақл бор халқимизда, – дейди вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси масъул ходими Ҳаким Ўрозов. – Бу бежиз айтилмаган. Асад, яъни август ойида ғўзани яшнатиш керак. Яшна-тиш эса меҳрдан. Бор меҳрини экин-нидан аямаётган деҳқонларимиз ғўзани ҳар қачонгидан ҳам эътибор билан парваришлашмоқда. Ишчилар, сувчи ва механизаторларни фаолликка чақираётир.

Давоми 2-бетда. ➡

– Олмаликликларнинг бахти кулди, дўстим, – дейди завқи тошиб. – Президент ташрифидан сўнг, шаҳарда ҳаёт янада жўшқин тус олди. Одамлар бир-бирини табриклаб, эртанги ёруғ истиқболни кучоқ очиб қарши олаётганлар.

Ҳазилми, шу мўъжаз шаҳар-

бозор оралаб журналист юрганини билгандаёқ, уларнинг ўзи ёнимизга келиб, Президентимиз ташрифи билан боғлиқ таассуротларини сўйлай кетди:

– Шавкат Миромонович бо-

м, шунинг орқа томонидан 450 савдо шахобчасига мўлжалланган янги савдо мажмуи ишга тушади...

– Уртоқ мухбир, "катта"ларимизга айтинг, Президентимиздан ўрнатилган одамларнинг тингласин, савдогар ахли учун шароит дегани, мана

орқа тарафидан, ҳеч ким кутмаган бир йўлдан кириб келди. Бозорга қираверишда аҳоли билан мулоқот қилдилар. Биласиз, "Ойдин" бозорининг донғи Оҳангарон-у Ангренга, Пискент-у Тўйтепага таралган. Ишонасизми, бизнинг бозоримизда охириги ўн

кўйилиши олмаликликлар қалбини гурур ва ифтихорга тўлдирди. Ахир, улар яхши тушунадилар, бундай йирик лойиҳанинг бошланиши шаҳар инфратузилмасида катта ўзгаришларни ясайди, улкан бунёдкорлик ишлари бошланади. Фурсатдан фойдаланиб комбинат ишчиларининг серҳаяжон сўзларини ёзиб олмаққа шайланамиз.

Клара НОРМУРОВА,
"Шухрат" медали
соҳибаси:

Бугун жуда катта ҳаяжондаман. Шаҳримизда, комбинатимизда тарихга муҳрланган ҳодиса содир бўлди. Халқимизга яна бир асрдан зиёд хизмат қиладиган янги кон очилди.

Бу кон шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан очилди. Бунинг учун уларга барча кончи-металлургия, оналар номидан миннатдорчилик билдираман. "Ёшлик" конининг очилиши билан, янги цехлар, фабрика ишга тушади, 10 минг нафардан зиёд фарзандларимиз иш билан таъминланади.

Мен 30 йилдан зиёд вақт давомида шу заводда ишлаб келаямман. Қўлаб шогирдлар тарбияланганман. Уларнинг аксарилари бугун мустақил цех бошлиғи, катта уста бўлиб меҳнат қилишяпти. Ёш мутахассисларни кузата туриб, улардаги қизиқувчанлик, ишга бўлган меҳр, зийраклик, билимдонлик, энг асосийси, кўзларидан самимийлик, ёрқинликдан эртага саноатимиз ишончли қўлларда қолишидан гурурланаман.

Яна шу нарсадан ҳайратландимки, яқин келажакда шаҳримизда янги микрорайон қад тиклайди: маиший хизмат уйлари, болалар боғчалари қурилади. Буларнинг ҳаммаси одамларга яратилаётган қулай шароитлар. Ҳозир кўп хонадонларда икки-уч келин бир ҳовлида яшяпти. Турар-жой етишмайди. Бу микрорайон олмаликликларнинг кўлаб муаммоларини ҳал этишига ишонаман.

Беҳзод ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

ЕНГ ШИМАРАЁТГАН ЕТАКЧИЛАР

Вилоятимиздаги барча умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари етакчилари танланди.

Давлат сиёсати – амалда

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Кенгашларининг раислари, ёшлар сиёсати масалалари бўйича ҳоким ўринбосарлари, халқ таълими, ички ишлар бошқармаси ходимлари, маҳаллалар маслаҳатчиларидан таркиб топган ишчи гуруҳлар ҳар бир шаҳар ва туманда бўлиб, ёшлар етакчилигига номзодлар билан суҳбат уюштирди. Бу жараёнда асосий эътибор етакчиликка даъвогарларнинг маълумоти, мустақил фикрлаш қобилияти, етакчилик салоҳияти ва ёшлар билан ишлаш лаёқатини аниқлашга қаратилди.

– Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг мактаб, коллеж-лицейлардаги бошланғич ташкилотлари етакчилигига дунёқараши кенг, ёшлар билан ишлашда ўзининг янги-дан янги ғоялари бор, ташаббускор кадрларни тавсия қилаётган, – дейди Қиёра тумани кенгаши раиси Равшан Ҳасанов.

Тошкент вилояти Кен-

гаши Бошланғич ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими мудири Жамолдин Нахимов берган маълумотга кўра, ўтказилган суҳбатларда жами 2 минг 693 нафар номзод қатнашди ва улардан 866 нафари саралаб олинди. Номзодлари вилоят Кенгашига тавсия этилган йигит-қизларга янги тузилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мақсад ва вазифалари, бошланғич ташкилот етакчиси мажбуриятлари тушунтирилиб, тегишли топшириқлар берилди.

Ўз навбатида, мутахассислар томонидан ўтказилган суҳбатларда етакчилик қобилиятини намойиш қилиб, ижобий натижага эришган ёшлар ҳам давлатимиз раҳбарияти томонидан тақдим этилаётган улкан имкониятлар ва доимий эътиборга жавобан ўз вазифаларини масъулият билан бажаришга сўз бердилар.

Шоира
ОХУНЖОНОВА.

ҲЕЧ КИМ НАЗАРДАН ҚОЛМАСИН

Ўрта Чирчиқ тумани хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ўтказилган "Ҳаёт – гўзал, ашмоқ бахтдир" мавзусидаги тадбирга ташриф буюрган маҳаллалар фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар инсонни ҳаётга муҳаббат қўзи билан қараш, тириклик, деган олий неъматнинг қадрига етиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан мулоқотда бўлишди.

– Маҳаллаларимиздаги ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила диққат марказида бўлиши зарур, – дейди туман ҳокими ўринбосари Шухрат Ражабов. – Оилаларнинг дарду-ташвишларини, ўй ва кечинмаларини, маҳаллага кимлар келиб-кетаяётганлигини асло назардан четда қолдиришимиз керак эмас. Аҳоли мурожаатлари билан ишлашда ҳам жуда эътиборли бўлишимиз талаб қилинади.

Дарҳақиқат, сўнгги вақтларда туман миқёсида жиноятчилик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари содир бўлаётгани ташвишланарли. Айниқса, бундай қаттиқ-қаракатлар кўпроқ ёшлар орасида учраётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Туман психолог Шоира Жамолова оилаларда ўз жонига қасд қилиш ва унинг салбий оқибатлари билан ҳолатларнинг бир неча хил сабабларини кўрсатиб ўтди.

– Туманимизда шу йилнинг ўзига 6 та ўз жонига қасд қилиш ҳолати рўй берганини тушуниш қийин, – деди туман Ёшлар иттифоқи вакили Муса Фарҳодов. – Бундай нохуш ҳолатни ўз кўзим билан кўриб, қаттиқ тасирландим. Демак, биз ҳали кўп ишларимиз керак. Маҳаллаларда уюш-

маган ёшларга эътиборни, қўлайлигини зарур. Шунинг учун маҳалла билан ҳамкорликда ёшлар ичига чуқурроқ қирайлик, уларнинг дарду-ташвишларини, орзу-армонлари билан бирга яшайлик.

Тадбирда туман "Баркамол авлод" ижодиёт маркази тўғрақ аъзоларининг оилавий муносабатлар, эр-хотин жанжаллари, нотинч оилалар ҳаётини акс эттирувчи сахна кўринишлари намойиш этилди.

– Бугунги тадбир маҳаллаларимиздаги фуқароларни, оилаларни ҳаётнинг гўзаллигига ошно этиш, яшаш қандай улғу бахт эканлигини эслатиб қўйишдан иборат эди, – дейди туман "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича бош мутахассиси Мафҳуд Халилова. – Аммо ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп. Жойларда миллий анъаналаримизни, урф-одатларимизни кўпроқ тарғиб қилайлик. Бир-биримизга ҳеч қачон бепарқ бўлмайлик. Ҳар бир инсон тақдирда маҳалланинг ўрни ва роли қатъи эканлигини асло унутмайлик.

Ашуралла
БОЙМУРОВА.



Олмалик: «ҚУЛФУ ДИЛИ» ОЧИЛГАН ЗАМИН

чамизда иккита шифохона, учта маданият ўчоғи, ўн минглаб янги иш ўринлари яратилаёпти... Ёшларни айтмайсизми, ёшларни. Иш бор, ўқиш учун барча шароит етарли, олий маълумот олиш учун пойтахтга югуришга ҳолат йўқ, уй бор, хуллас, бахт калити уларнинг қўлларидир...

Ана шундай дилгир суҳбатлар асосида Орифжон Ортиқов билан бирга "Ойдин" деҳқон бозорига йўл оламиз...

Бахтининг кулди, «Ойдин»

Бозор ҳудудига қирарканмиз, нарх-наво билан қизиқамиз. Одамларнинг гап-сўзларига, қайфиятига разм солиб, недир ўзига хослик, хосият, ёзилажак мақоламизга деталь ахтарамиз. Бирок, халқ қалбининг уммонлиги, билимдонлиги, соддадиллигини кўринг –

◀◀ Бошланғич 1-бетда.

Фамхўрлик

Ёдингизда бўлса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз вазифасига киришган ilk кунлариданоқ, энг аввал имконияти чекланган, эътиборга муҳтож инсонларни кўлаб-қувватлаш, маънавий, моддий рағбатлантириш ҳақида кўрсатмалар берган эди. Пойтахтимизнинг мухташам "Туркистон" саройида юксак маънавият, меҳр-мурувват намунаси сифатида ўтқа-

нинг миннатдорлигини етказдим...

– Журналист ука, мениям ёзинг. Президентимиз келиб, аввало, кўнглимиз обод бўлди, Курама воҳасида минг йилларки, орзу бўлган жараён воқеликка кўчди...

– Манави жойни кўрайлисиз-

бундоқ бўлибди!..

– Шифохонамизни кўрдигизми? Сув ҳақида айтганларини эшитдингизми? Иш дегани мундоқ бўпти, мухбир бола...

Ҳикмат ФАРМОНОВ,
"Олмалик шаҳар деҳқон бозори" МЖЧ раҳбари:
– Президентимиз бозорининг

йилликда биронтаям ўғрилиқ қайд этилмаган. Савдогарларимиз ҳалолликни олий шior библи, харидорлар учун ишлашни, беш кўлни баравар оғизга тикмасликни ҳаётий аъмол қилишган. Ушанда, Президентимиз бозорга кириб келганида, рост айтаялман, мен одамлар тўлқинини ёриб, уларнинг ҳузурига пешвоз чиқа олмадим. Халқ тўлқиндек Юртбоши томон ошиқар эди... Шу кунги раҳбарнинг халқ орасидаги обрўси, ҳурмати қандай бўлиши ҳақида жуда чуқур ўйладим. Бу борада ҳам Президентимиз биз учун алоҳида ўрнатилган мактабни яратиб бердилар. Ишлаётган, Ватан, дея ёнган инсонга халқимиз юрагининг тўридан жой беришга шай...

«Ёшлик» – кони фойда

Янги коннинг очилиши, улкан лойиҳанинг тамал тоши

ЎЗНИ «СИЗ»ЛАЙДИГАН ПАЛЛА

Маълумки, август ойида бажариладиган муҳим агротехник тадбирлардан бири ўзга сув олишдир. Бу иш яхши, маромида бажарилса, "шарбат" усулидан фойдаланилса, янада юқори

форилган майдонлар тупроғи тобга келиши билан қатор оралари тезда култивация қилинса, ўзга туплари орасида ҳаво алмашинуви яхшиланади, қўсқаларга ҳаво ва шамол тегиб, тез ети-

воситаларни қўллаш керак.

Вилоятимизда фаолият олиб бораётган фермер хўжаликларидан ўзга парвардида муҳим аҳамиятга эга бу каби жиҳатларга алоҳида эътибор берилмоқда.

...Оққўрғон туманидаги "Фахружон Дилноза" фермер хўжалиги далаларида иш қизғин. Фахружон Ортиқов бошқараётган ушбу хўжаликда 31 гектар пахта майдони мавжуд.

– Ҳалла мавсумида қутилганидан ҳам ортиқ муваффақиятга эришдик, – дейди фермер. – Мақсадимиз ана шу ютуқни пахтачиликда ҳам такрорлаш, яъни ўзга парвариши учун августда амалга оширилиши лозим бўлган агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли бажариб, 40 центнердан ошириб ҳосил олиш.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.



самара беради, бошқача айтганда, ҳосилдорлик ошади.

Тахрибали пахтакорларнинг айтишича, "шарбат" ли сувга қонган ўзга тез чанқамайди, суғориш оралиғи узаяди ва қўсқалар тезроқ тўлишиб, вазни ортади. Су-

◀◀ Бошланғич 1-бетда.

лади.

Одатда, августда қўсқак қурти, ўргимчакана каби зараркунандалар кўпаяди. Шу сабабли, зарарли ҳашаротларга қарши курашни янада жонлантириш талаб этилади. Бунинг учун биологик усулдан фойдаланиш, зарурат туғилганда, кимёвий

ЭЪТИБОР – ЖОН МАЛҲАМИ

Яқинда Президентимизнинг эзуликка йўрилган яна бир Фармойиши эълон қилинди. Унда ногиронларни давлат томонидан қўлаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш кўзда тутилди. Мақсад – ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада мақбуллаштириш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, таълим олиш ва ишга жойлашишда ҳар томонлама қўмаклашиш. Бунинг учун тизимни тубдан такомиллаштиришга қаратилган тақдирларни тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилади ва қисқа муддатда унинг ижроси таъминланади.

Биз вилоятимизнинг Бекобод тумани ногиронлар жамияти фаолияти билан танишдик.

– Жамиятимиз 1996 йил ноябрь ойида ташкил топган, – дейди Санобар Мамаюсупова. – 2005 йилдан шу идорага раисман. Яъни, йилгирма йилдан буён ногиронлар билан мулоқотдаман. Уларнинг ҳар бири юрагининг бир парчасига айланган. Маънос нигҳолларда, ҳаёт учкун, шодлик нишонларини кўриш мен учун бахт.

Бундай хайрли ишда аввало, вилоят, туман ҳокимлиги, "Маҳалла", "Нуроний", "Соғлом авлод учун", Қизил ярим ой жамияти каби жамоат ташкилотлари ва албатта, ҳомийларимиз доимий ҳамкоримиз. Улар ёрдамида байрамлар, хайрия тадбирларида тўқин дастурхон тузаб, концерт дастурларини намойиш қиламиз, совға-саломлар билан хушнуд этиламиз. Лекин, бу оний вақтичиликлар сўниб, ғамгин чехралар, маънос нигҳоллар яна ҳаёлот уммонига улқотиради: Қизик, нега баъзи одамлар тўлақонли ҳаёт кечиролмайди?! Уларда нима гуноҳ?! Биласизми, ногиронлиқнинг ақсарияти тугма. Демак, ногиронлиқни тугилмасдан аввал аниқлаш муҳим.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг тугма ва наслиқ касалликларни барвақт аниқлаш, чақалоқларни перинатал скрининг кўригидан ўтказиш орқали ногиронлиқнинг олдини олиш, шунингдек, ногиронлар учун протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш масалаларига алоҳида эъти-

бор қаратаётгани бежиз эмас. Айниқса, ногиронларни жамоат транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан тўқинликсиз фойдаланиши, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, соғлигини яхшилашга ёрдам бериш ва биринчи навбатда, уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақиқатан ҳам ўқисқаларга дармон бўлди...

Туман ногиронлар жамияти раисининг самимий сўзларига қўлоқ тутиб, бундан бўёқли фаолиятини янада жонбозлик билан олиб боришига ишондик. Лекин, шу ўринда, "касалини даволашдан кўра, олдини олган афзал" деганларидек, ногиронлиқнинг олдини олишда фақат шифокору мутахассислар эмас, ота-оналар ҳам масъул эканлигини таъкидлаган бўлардик. Миллат генофондини, паллагини тоза сақлаш учун, аввало, ҳар қандай касалликка қарши биргаликда курашиш кўникмасини шакллантириш, тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини қўлайтириш зарур.

Сандя
РАҲМОНОВА.

ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Оҳангарон туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказилди.

Тадбир

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда соғлиқни сақлаш, адлия соҳаси мутахассислари, Ангрен, Олмалик шаҳарлари ёшлари ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда ёшларнинг муамло, тақлиф ва истаклари ўрганилиб, уларга ҳудудлар кесимида ечим топиш бўйича фикр алмашилди. Ёшлар ма-

салалари бўйича республика идоралараро кенгашининг 2017 йил 5 июлдаги йиғилиши баёни ижросига мувофиқ, имконияти чекланган ёшлар ва болалар марказини ташкил этиш ҳамда унинг вазифаларига оид маълумот берилди.

– Ҳамкор ташкилотлар билан бирга, барча туман ва шаҳарлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган 100 дан ортиқ ёшлар

билан Пискент, Янгийўл, Паркент туманларида ҳам очиқ мулоқотлар ташкил этилди, – дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти кенгаши раиси Д. Каримов. – Ёшларнинг ишга жойлашиши, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун имтиёзли кредитлар ажратиш, саломатлигини тиклаш юзасидан муурожаатларини ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, муаммоларини ўрганиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича махсус ишчи гуруҳи шакллантирилди.

А. МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернетдаги манзили –

www.thtp.uz

орқали ҳам танишинингиз мумкин.

Шундан сўнг ҳар бир йўналиш бўйича шўбелар йиғилиши ўтказилди. Деярли кечгача давом этган форум иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Зукко қизларимиз, ёш оила бекаларининг теран мушоадалари, асосли таклифлари жамиятда ўз ўрни, сўзига эга фаол етакчи аёлларимизни ҳам руҳлантириб юборди. Ҳақиқатан ҳам, бўлғуси оила бекаларининг билим-иқтисод, раёқати, ғайрат-шижоати эртанги кунимиз, фарзандлар келажаги порлоқ бўлишига умид, ишончни мустаҳкамлади.

Етакчи бўлиш учун сабр, чидам, улкан юрак керак...
Иштирокчи қизлар, ёш оила бекалари орасида етакчи бўлишни орзу қиладиганлар кўп, лекин бунга қандай эришиш мумкин?

— Энг аввал билимингизни бойитинг, тарихимизни, дунё тилларини ўрганинг, — дейди олимпиа Л. Гофурова.

— Бунинг учун мамлакатимизда, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар учун барча имконият, шароитлар яратилган, — дейди сенатор Гавҳар Алимова. — Бир вақтлар китоб ўқишга вақт, имкон тополмасдиқ, далада тушлик пайти ёки гўза поялари орасида ўтириб, озгина ўқирдик... Ҳозирги давр ёшларига фақат ҳавас қилиш мумкин. Бундай шароитлар, давлатимиз томонидан хотин-қизларга берилаётган катта эътиборга муносиб жавоб беришимиз ҳам керак...

— Мен Окдўргон туманининг фаол қизлариданман, — дейди Азиза Усмонова. — Баъзи ногирон қизларни кўнгилни кўтариб, дардига малҳам бўлгим келади. Уларга қандай ёрдам берсам экан?!

— Уларни энг аввал билим олиши, ҳунар ўрганишига

қўмаклашиш керак, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва. — Албатта, тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида. Бунинг учун Президентимизнинг Фармон, қарорларини ўрганиб чиқинг, шу асос-

йўлини айтишди.
— Халқимизнинг турли урф-одатлари, маросимлари кўп, — дейди оҳангаронлик ижодкор Хулқар Исамова. — Масалан, "келинсалом", "келин кўриш" маросимларида жажжи кичкин-тойларга ҳўрозқанд ёки сақич,

Бошқа тенгдошларим ҳам шундай китобларни ўқиса, дейман... Ахир, ҳар биримиз икки-ичтадан бўлса ҳам китоб келтириб, кутубхонани бойитишимиз мумкин...
"Маҳаллада дув-дув гап" Дарҳақиқат, бўқалиқ, Тош-

ни бекорга ўқитишмади-ку?! Мен бугунги форумда, айниқса, "Биз ёшлар тўйларини ихчамлаштириш тарафдоримиз" лойиҳасида иштирок этиб, фикрларим янада қатъийлашди...

Спортчи қизни ким келин қилади?
"Соғлом турмуш тарзи" акцияси иштирокчиси Нилуфар Бахромова — спортнинг қарат-тури бўйича уч қарра Ўзбекистон чемпиони.

— Спортни жон-дилидан севаман, — дейди у. — Келажакда ҳам севган машғулоти, касбим билан шуғулланиш учун кимга, қандай инсонга турмушга чиқишим керак?

Бу саволга Ўзбекистон "Оила" илмий-амалий маркази бўлим бошлиғи Муҳиба Ҳамидова жавоб бериб, шундай деди:

— Сиз каби ҳар томонлама етук, баркамол қиз ҳар қандай соғлом фикрли оиланинг, йигитнинг орзуси. Лекин, спортга яқинроқ, ўша касб эгаси бўлса, оилангиз мустаҳкам бўлишига шубҳа йўқ...

Хуллас, форум таассуротлари ҳақида ҳали узоқ ҳикоя қилиш мумкин. Унинг натижалари эса, тадбир давомидаёқ бўй кўрсатгани бор гап.

Тез кунларда талабларга биноан, Паркент туманининг энг чекка қишлоқларида бири, "Ўқоқчи" маҳалласида ижодкор аёллар учрашувини, "Кийинги маданияти" лойиҳаси иштирокчилари оҳангаронлик Асалхон Зоирова, чирчиқлик коллеж ўқувчиси Диёра Жўраеванинг таклифлари асосида "Миллий кийимлар кўни"-ни, хотин-қизлар кўмиталарининг "Аёллар маслаҳат марказлари" қошида "Қизларжон" клубини ташкил этиш ҳақида келишиб олинди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири,
Нодирбек ТОХИРОВ
олган суратлар.

ОИЛА БЕКАЛАРИ — КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ



да ҳаракат қилсангиз, қутилган натижага эришингиз аниқ. Мана, бекободлик ногирон қизимиз зардўзлик билан шуғулланапти, шогирдлари ҳам бор...

Сақич ўрнига китоб!
Ҳайрон бўлманг. Форумнинг "Китоблар мамлакатининг китобхоналаримиз" мавзусидаги шўба йиғилишида китобсевар, ижодкор қизларимиз шундай таклиф билдиришди. Мушоирада бир-бирига навбат бергиси келмай, жўшиб-ёниб шеър ўқиётган, ҳикоялар сўзлаб бераётган қизлар китобхоналикни кенг тарғиб қилишининг ўзига хос яна бир

баъзан қимматбаҳо юмшоқ ўйинчоқ ўрнига чиройли суратлари бор эртақ китоб бериш мумкин-ку!

Табиийки, бу таклиф барчага маъқул бўлди. Бўқалиқ Обида Абдуҳамидованинг маҳалла кутубхонасини ташкил қилиш, маҳалладошларини бу ишга жалб этиш ҳақидаги таклифи ҳам бир овоздан маъқулланди.

— Шу кунларда сеvimли адибимиз Саид Аҳмадининг "Уфқ" трилогиясини ўқиб чиқдим, — дейди у. — Таассуротларимни айтиб, адо қилолмайман. Мен ҳаётга бошқача кўз билан қарай бошладим... Ҳаётни, одамларни сеvimини ўргандим.

кент Давлат аграр университети битирувчиси Шаҳноза Эргашеванинг қарори маҳалласида ҳам, туманда, ҳатто, вилоятда ҳам дув-дув гап бўлса ажабмас. Нега дейсизми? Нега бўларди, ахир келаси ойда тўйи бўладиган қизнинг кўша-кўша мебеллара беҳисоб сарпо-сурқдан воз кечиб, ота-онасини қийнамай, кейинчалик ўзи ишлаб топиши ҳақидаги фикрларига ҳамма ҳам ишонавермайди-да.

— Фақат энг зарур жиҳозларини олишга қарор қилдик, — дейди Шаҳноза. — Бунга бўлғуси умр йўлдошим, унинг ота-онаси ҳам рози. Ахир, биз-

Ҳаракат хавфсизлиги кунлари

ТАДБИР ЯКУНЛАНДИ, АММО ИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Шаҳар ва туманларимизда шу йилнинг 1 августидан 15 августигача "Ҳаракат хавфсизлиги ўн беш кунлиги" ўтказилди.

Вилоят ҳокимининг тегишли фармонишига биноан ташкил этилган ушбу тад-

бир доирасида йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, автомобилларни техник кўрикдан ўтказиш, ҳайдовчилар тайёрлаш мақсадларида ўқитиш ишларини сифат жиҳатдан янада жиҳиллаш бўйича муайян ишлар бажарилди.

Транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган 364, тегишли ҳужжатларсиз рулга ўтирган 555, тезликни оширган 1 минг 554, чорраҳадан ўтиш тартибини бузган 42, хавфсизлик қарорини тақмасдан ҳаракатланган 3 минг 463 нафар ҳайдовчи шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, одам ташиш қондасига амал қилмаган 2 минг 847, автомобилни қайта жиҳозлаган 117 нафар фуқарога нисбатан маъмурий қоралар кўрибдан.

Бу каби ҳолатларни бар-тароф этиш юзасидан аниқ

режа белгиланиб, тегишли ташкилотлар раҳбарларига, ҳокимликларга тақдимнома-лар йўнатилди.

Тадбирлар яқунланди. Аммо ҳаёт, иш давом этади. Демакки, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, содир этилиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳайдовчи ва пиёдалар ҳушёрлигини янада оширишга қаратилган ишлар бир зум бўлса-да, тўхтамайди.

Фаррух ЭРГАШЕВ,
вилоят ИИБ ЙҲХБ матбуот
гуруҳи катта инспектори.

101 ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Вилоятимиз ҳудудида 7-13 август кунлари 47 та ёнгин қайд этилди. Уларнинг 29 таси аҳоли уйларига тўғри келди. Ёнгин сабаблари ўрганилганда, 9 таси электр симларининг қисқа туташуви, 13 таси болалар шўхлиги, 25 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида содир бўлгани аниқланди.

Ҳафтанинг ҳар чор-шабаси "Ёнгинлар профилактикаси кўни", деб белгилангани муносабати билан, эндиликда соҳа ходимлари томонидан аҳоли ва ташкилотлар ўртасида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш тўғрисида учрашув ва тушунтириш ишлари янада кенг кўламлида ўтказилмоқда.

Хурматли фуқаролар! Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг. Зеро, хотиржамлигимиз ўз қўлимизда эканлигини унутмайлик.
Тошкент вилояти ИИБ ЎХБ.

Пайшанба — жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кўни

НАТИЖА БЎЛИШИ МУҚАРРАР

дан ортиқ фуқаро қамраб олинди.

— Айни пайтда вилоят ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, турли қўриқчиларга ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида кенг қамровли "Тозалаш-Антикоррупция" тадбири ўтказилмоқда, — дейди вилоят ИИБ матбуот хизмати ходими Аваз Бобоҳўжаев. — Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу тадбирларга нафақат

ички ишлар органлари ходимлари, балки кенг жамоатчилик вакиллари ҳам жалб қилинган. Тадбир бошидан буён қўп қаватли уйлар, хонадонлар, қорхона-ташкilotлар, кафе, бар, ресторонлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектилари, таълим муассасалари, ётоқхона ва меҳмонхоналар, маҳалла гузарлари каби объектилар кўздан кечирилди. Бундай масканларда фуқароларни оғоҳлик ва ҳушёрликка қорлаш мақсадида учрашув ва суҳбатлар

юштирилмоқда. Зангиота туманида жойлашган "Илм шўласи" савдо мажмуасида мактаб ярмаркаси ташкил этилиб, жамоат тартибини сақлаш мақсадида ички ишлар органлари ходимлари бириктирилди. Вилоятнинг тоғли ҳудудларида (Бўстонлик, Паркент туманлари, Ангрэн шаҳри) ҳафта давомида 100 мингдан зиёд фуқаро дам олишини инobatга олиб, йўл, пост патруль хизмати ва профилактика инспекторлари жалб этилмоқда.

ларда фуқаро 1958 йилда туғилган А. Д. "Нексия" автомобилсини Бекобод шаҳар Меъмор кўчаси бўйлаб бошқариб кетаётганда, пиёда — Бўстонлик тумани Коронкул қишлоғида яшовчи фуқаро Э. Э.ни уриб юборган. Натижада, тан жароҳати олган жабрланувчи шаҳар марказий шифохонасига ётқизилган. Лекин, афсуски, у жонлантириш бўлимида ўзига келмай вафот этди.

УКАСИГА ТИФ ТОРТИДИ
Ангрэн шаҳрида яшовчи, 1978 йилда туғилган И. Ш. ўғай укаси билан жанжаллашиб, унинг қўрқак қасасига пичоқ билан уриб, тан жароҳати етказган. Натижада, жабрланувчи шифохонага ётқизилган.

Ташаббус

Фуқароларнинг дарду ташвишларини, ўзига хос муаммоларини бартараф этишда жамоатчилик фикри, уларнинг жўяли маслаҳати муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, маҳаллаларда ташкил этилаётган маслаҳат марказларининг ўрни катта.

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Бекобод шаҳридаги "Туркистон" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Оила" маслаҳат маркази айни дамда шаҳар маҳаллалари ҳаётига чуқурроқ сингишга улгурди. Бунинг боиси шуки, юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг, ечимини кўтаётган масалаларнинг имкон қадар ижобий ҳал этилишида маслаҳат маркази ўзига хос қўмақчи айланган.

Чиндан ҳам маслаҳат маркази фуқаролар ишончини қозонди. Утган йили 115 дан зиёд оғзаки мурожаатлар ўрганиб чиқилган бўлса, шу йилнинг ўзида бу кўрсаткич анча ошди. Мурожаатлар асосан оилалар ўртасидаги низолар, иш билан таъминланиш, тадбиркорлик ва кредит масалалари ҳусусидадир. Бундан ташқари, оилаларга зарур ҳуқуқий маслаҳатлар ҳам бериб борилапти.

Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш асосида фуқароларнинг турли хил мурожаатларига дуч келинапти. Булар орасида моддий ёрдам сўрашдан тортиб, битирувчи ёшларни касбга йўналтириш, уй-жой, оила ва фарзандликка оид масалалар, нотинч оилалар муаммолари бор.

Айтиш лозимки, жорий йил давомида 12 та оила ўртасидаги низо бартараф этилиб, уларни яраштирашга эришилди. Айниқса, марказ билан шаҳар ФХД бўлими, маҳалла хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида олиб берилаётган тадбирлар самарали бўлапти. Бундай саз-ҳаракатлар натижа-сида ўтган йили 15 та, бу йил эса 7 та шаърий никоҳнинг қонуний расмийлаштирилишига эришилди. Ўз вақтида туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олмаган оилаларга гувоҳнома олишларига ёрдам кўрсатилди.

Оилавий тадбиркорлик, кредит олиш масалаларида ҳам фуқаролар маслаҳат марказига мурожаат этишди. Чунончи, касб-ҳунар коллежи битирувчиси Фарида Азаматова билан учрашганимизда у куйидаги фикрларини баён этди: "Маслаҳат марказига келиб учрашганим тўғри бўлган экан. Бу ердаги мутахассисларнинг менга тўғри йўл-йўриқ кўрсатгани, зарур маслаҳати тўғрйли саратрошлик билан шу-

Айни бир пайтда икки нафар шифокор ҳамда фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат берадиган ҳуқуқшуноснинг жалб этилганиги марказнинг салоҳиятини бирмунча оширди. — Маслаҳат маркази иш фаолиятини қизғин давом эттиряпти, — дейди биз билан суҳбатда Малика Шарипова. — Шу йил июнь ойидан бошлаб, маҳаллалардаги диний маърифат ва маънавий ахлоқий-тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларни ўларнинг иш тажрибаларини оширишлари, маҳаллаларнинг кенгайтирилиши мақсадида марказга жалб этганимиз. Улар жадвал асосида маслаҳат марказига келишди ҳамда бизга мурожаат қилаётган фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш йўлида зарур маслаҳатларини бериб боради.

Хуллас, айни кунларда "Оила" маслаҳат маркази қизғин иш фаолиятини бошлаб юборган. Унинг самараси эса одамларнинг бу даргоҳдан қай даражада рози бўлиб кетишида акс этади.

Б. АШУРОВ.

БАРҚАРОР ТАЪМИНОТ КАФОЛАТИ

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасидаги ишларнинг бориши билан танишиш мақсадида "Чирчиқ-шаҳаргаз" филиали жамоаси фаолияти билан қизиқдик.

Улар 2017-2018 йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини ённинг илк кунлариданоқ бошлаб юборишди. Тез орада қувурларни тозалаш, таъмирлаш ишлари яқунланди. Бу ҳақда қорхонанинг етакчи муҳандиси М. Мўминжонов шундай дейди:

— Жамоамиз қишга тайёргарлик ишларини ҳар йилгидан ҳам эрта бошлаб юборди.



Бугунги кунда газ қувурларини реконструкция қилиш, уларни ҳаво ёрдамида тозалаш, бўяш, дудбуронларни назоратдан ўтказиш каби ишларимиз қарийб 70 фоизга бажарилди. Айни пайтда шаҳар ҳудудидаги газ қувурлари ва тақсимлаш пунктларида яқуний ишлар амалга оширилмоқда.

Тез орада, куз фаслининг илк кунларида тозалаш-таъмирлаш ишлари тўлиқ поёнига етиб, куз-қиш мавсумига тахт қилиб қўйилади. Мақсад — халқ ҳўжалиги тизимидаги қорхона ва ташкилотлар ҳамда аҳолини қишда қийналиб қолмаслигини таъминлашдир.

Ўз мухбиримиз.

ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги ПК-3194-сонли қарори билан Тошкент вилоятининг ҳар бир шаҳар ва туманларида 19 та кичик саноат зоналари ташкил этилди.

Ушбу кичик саноат зоналарида кўчмас мулклар:

— 10 йилга ижарага ва кейинчалик тадбиркорларга хусусий мулк қилиб берилади;

— кўчмас мулклар кадастр идоралари томонидан давлат рўйхатидан бепул ўтказилади;

— кичик саноат зоналари иштирокчилари республикамизда мавжуд бўлган солиқ имтиёзларидан фойдаланадилар.

Шу муносабат билан, салоҳиятли тадбиркорлар кичик саноат зоналарида фаолиятларини амалга оширишлари учун ўз бизнес лойиҳалари билан танловларда иштирок этишга таклиф этилади.

Танловларга марҳамат!

Мурожаат учун телефонлар:

вилоят ҳокимлиги: 232-80-78;

вилоят прокуратураси: 230-10-07;

вилоят рақобат бошқармаси: 230-41-68;

вилоят савдо-саноат палатаси: 202-16-16, 202-21-21.

БИЛДИРИШНОМА!

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали юридик манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уйга ўзгарганлигини маълум қилади. Тел.: (0371) 233-54-96.

донингизга асло ғам-қайғу йўламасин, фақат хурсандчилик,
яхши кунлар бўлсин, дегани бу аслида. Зинҳор-базинҳор,
"тўкиб-сочиб, бор дунёингни харжлаб тўй кил", дегани эмас...

“ЎЗБЕКИСТОН” нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вакти – 21.00. Босишга топширилди – 21.15.